

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЙИН ФЕНОМЕНИ ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИНГ АҲАМИЯТИ

Кубаева Шоира Тошмуродовна
СамДУ ўқитувчиси.

Аннотация

Мазкур мақолада туризм соҳасини ривожлантиришда ўйин феноменининг аҳамияти кўрсатилиб ўтилган. Ўйин тушунчасининг фалсафий мазмун-моҳиятини англатиш орқали унинг полифункционал жиҳатлари очилган ва унинг инновацион тафаккур билан боғлиқ томонлари кўрсатилган.

Калит сўзлар:

ўйин, инновация, инновацион тафаккур, туризм, зиёрат туризми, иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, рақобат, тараққиёт.

Аннотация

В этой статье анализируются значения феномен игры в сфере туризма. Посредством философского аспекта категории игры определяются её полифункциональность и связь с инновационным мышлением.

Ключевые слова:

туризм, инновация, полифункциональность, развитие, рыночная, экономика.

Ҳозирги замон жамиятда содир бўлаётган бир қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаракатлар, ўзгаришлар (соҳавий фаолият йўл хариталари, масофавий виртуал мулоқот, “электрон ҳукумат” фаолияти, янги ижтимоий роллар – имиджмейкер, модератор ва ҳ.к.) ўйин феномени сифатида намоён бўлмоқда. Бу типдаги ўйин феноменларини ҳозиргача ишлаб чиқилган ўйин концепциялари доирасига кирмаган янги изланиш объектлари деб ҳисоблаш мумкин. Бундай шароитда инсон, жамият ва цивилизация тараққиётини, унинг айрим хислатларини ўйин модели ва назарияси тушунчалари ҳамда тамойиллари асосида тадқиқ қилиш, шундан келиб чиққан ҳолда ўйин феноменининг полифункционал моҳиятини очиб бериш зарурияти туғилмоқда.

Жаҳон илм-фанида ўйин ва унинг тафаккур билан боғлиқ томонларини тадқиқ этиш, унинг интеллектуал-креатив жиҳатларини ўрганиш муҳим илмий-амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Тафаккурда намоён бўладиган ва “интеллектуал ўйин”, “креатив ўйин” атамалари билан ифодаланадиган ўйин феноменининг онтологик асослари ҳамда эпистемологик томонларини тадқиқ қилиш, мазмунан полисемантик хислатга эга бўлган ўйин тушунчасининг метафалсафий маъно ва моҳиятини тушунишга қаратилган фалсафий, илмий-назарий ва методологик таҳлилини амалга ошириш дунё олимлари эътиборидаги масалага айланди. Гуруҳий ва индивидуал ўйинларда семантик намоён бўладиган инновация, тафаккурда маънолар ўйини ва трансформацияси ҳозирги замон фалсафа ва ижтимоий-гуманитар фанларда жиддий тадқиқотлар предметига айланиб бормоқда. Ўйин феноменининг замонавий фалсафий тадқиқотини амалга ошириш, унинг янги турлари ва функцияларини инновацион тафаккур методологияси асосида тадқиқ қилиш инновацион-интеллектуал фаолиятнинг ўйинли хислатларини очиб бериш имкониятини беради.

Дунё илмий марказларида ишлаб чиқилаётган тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳалар, уларнинг инновацион ҳамда бозорталаб хусусиятлари, уларга оид талаб ва таклиф майдонида рақобат кучайиб кетди. Эндиликда барқарорликнинг бош белгиси бу ўзгариш, янгилик, ахборот ва билимнинг устуворлиги ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб дунёнинг ривожланаётган ва етакчи тараққий этган мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўли ва имкониятларини танламоқда. Хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам тараққиётнинг ресурслари ҳамда имкониятлари, шарт-шароитларининг янгидан янги жиҳатлари ишлаб чиқилмоқда. Дарҳақиқат, эндиликда даромад манбаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш долзарб вазифалардан бирига айланган.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири - бу туризмдир [1.1]. Шундай экан бу соҳанинг ривожлантиришда ҳар жиҳатдан инновацион ёндошув, инновацион тафаккур талаб қилинади. Бу ўринда иқтисодий билим дунёсига кириб бориш, иқтисодий ҳақиқатни ўзлаштириш ва иқтисодий фикрлашни шакллантириш, конкрет иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ назарий ҳақиқатни талаб қилишини ҳисобга олиш зарур бўлади. Шу маънода амалий жараёнларни ўйин тарзида олиб бориш катта аҳамиятга эга. Ўйин деганда фақат болаларга хос машғулот эмас юксак даражадаги прагматик ва продуктив фаолият тушунилади. Чунки болалар ўйинларида ижтимоий роль ўзлаштирилса, катталарникида бу жиҳат янада мустаҳкамланади, такомиллашади; масалан, болаларнинг «меҳмон-меҳмон» ўйинларида меҳмон ва мезбон ҳаракатларига хос бўлган асосий белгилар, ўхшатмалар ўзлаштирилиб, тақлид асосида кўникмалар ҳосил қилинса, катталар шунга ўхшаш «ўйинларда» (масалан, халқаро фестивал қатнашчилари билан мулоқот қилиш сценарийсини волонтерлар, ёрдамчилар томонидан репетиция қилиниши, сценарийда белгиланган ролни ўйнаш) муомаланинг мукамал ва чиройли жиҳатларини мустаҳкамлаб, давр маданиятига хос хулқ-атвор, мулоқот маданияти ва хатти - ҳаракатларни шакллантирадиганлар. Айтиш керакки, рақобат кучли бўлган бозор иқтисодиётида иқтисодий жараён ва бозор агентлари (юзлаб, минглаб ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва сотиб олувчилар)нинг ўзаро муносабатлари катта ўйин моделини беради, қарорлар маълум ва эҳтимолий ахборотлар асосида қабул қилинади, номуайян (номаълум) вазият ҳам бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинади. Табиийки, бундай шароитда интуиция ёки шахсий тажрибага таяниб қарор қабул қилиш (рақобатбардош ўйин ўйнаш) ниҳоятда мушкул ишга айланади.

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йуналишлар очиш мумкин. Бу борада туристларни жалб қилишда биринчи навбатда ўйинли фаолиятнинг жозибадорлик ва завқлантириш имкониятларидан фойдаланиб саёҳатларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўз навбатида кишидан иқтисодий билимларни ҳам талаб этади. Иқтисодий билимларни эгаллаб боришнинг фойдали томонларидан бири бўлган ишбилармонлик ўйинларининг катта кучи шундан иборатки, киши қаерда бўлмасин иқтисодий дунё синфида ушбу жараёнларнинг узвий иштирокчиси сифатида ўзига қамраб олади. Аҳамиятлиси, ўрганилиши ва кўнгил очарлиги билан иқтисодий ўйинлар ўзига жалб қилишда катта кучга эга. Бу ўйинлардаги беллашув кишини ўз қамровига олиши билан бирга рақобат дунёсига ҳам олиб киради. Айниқса турли туман ўйин моделларидан мақсадли фойдаланиб туризм соҳасидаги жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамият куриш йўлидан бораётган давлатимизда шундай ўйинларни маъносини англаш нафақат бизнес мактаблари, иқтисодий мактаблар, олийгоҳ талаба ва ўқитувчиларига, балки бозор иқтисодиёти мазмун моҳиятини эгаллаш истагидаги кишилар учун фойдали ва бу албатта кишиларнинг иқтисодий дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Ўйинларнинг яна бир тури имитацион ўйинлар, бунда маълум бир нарсанинг ўхшатилиб бажарилиши тушунилади. Мураккаб технологиялар билан ишлашни моделлаштириш, самолётни учирини виртуал кабинада ўрганиш, компьютер графикаси воситасида компьютер ўйинини ишлаб чиқиш, театрда пантомимни ўйини имитацион ўйин турларига киради. Бунда реал объект ва жараёнлар виртуал образ ёки модель тарзда ўзлаштирилади, англанилади. Бугунги кун ахборот коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан фойдаланиб Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган «кичик ҳаж» дастурини ривожлантириш ва жадаллаштиришда ана шундай ўйин турларини қўллаш самарали натижаларга, яъни сайёҳлар оқимини кўпайтиришга олиб келиши мумкин бўлади. Ўйин нафақат жисмоний, кўнгилочар фаолият, балки тафаккур билан бевосита боғлиқ бўлган, маҳсулдор, янгиликни тақозо этадиган инновацион интеллектуал фаолият турларидан бири сифатида намоён бўлади. Иштирокчиларнинг гуруҳи тажрибавий шароитда фаолият юритадиган ижтимоий организмга айланади, ўйин стратегиясини танлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида уларда инновацион тафаккур ҳолати пайдо бўлади. Инновацион тафаккур инсоннинг ўсиб ва такомиллашиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга,

янгидан-янги ғоялар, лойиҳалар ва қадриятларни ихтисослашган жамоалар ва корхоналарда мунтазам равишда ишлаб чиқаришга қаратилган ижодий тафаккурдир[2.1]. Янги билимлар асосида қурилган инновациялар диққат марказида туради ва катта даромад келтиради. Шу тарзда соҳада улкан муваффақиятларга олиб келадиган инновацион ғоялар, туризм соҳасини ривожлантиришнинг янги имкониятлари вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2. Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. Б-128.
2. Қўшоқов Ш. Инновацион тафаккур концепцияси. Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами.-Самарқанд.: 2010 й.-Б.17 бет
3. Игровое моделирование: Методология и практика. Новосибирск: Наука, 1987. Игровой мир. - Саратов: Вектор, 1992. - 241с.
4. Кубаева Ш. Innovative mentality and thought in civilization development: as the driving force for economic growth./ European Journal of Research. Vienna, Austria, №7-8 2018. – P. 92-97. (IMPACT FACTOR: 5.088 IFS 3,8/ UIF 2,7).